

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЛАХАНОВ АСРОРЖОН ОЛИМҚУЛОВИЧ

**БЎЛМАЧАЛАР ФИБРИЛЛЯЦИЯСИ ПАРОКСИЗМАЛ ШАКЛИ БОР
БЕМОРЛАРДА МИОКАРД РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИНИ КЛИНИК ВА
ГЕМОДИНАМИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

УДК: 616.12 - 008.331.1 : 616.13 - 004.6 - 06 : 615.225.2

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Лаханов Асроржон Олимкулович

Бўлмачалар фибрилляцияси пароксизмал шакли бор беморларда миокард реваскуляризациясини клиник ва гемодинамик жиҳатлари 3

Лаханов Асроржон Олимкулович

Клинико-гемодинамические аспекты реваскуляризации миокарда у пациентов с пароксизмальной формой фибрилляции предсердий 25

Lakhanov Asrorjon Olimkulovich

Clinical and hemodynamic aspects of myocardial revascularization in patients with paroxysmal atrial fibrillation 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЛАХАНОВ АСРОРЖОН ОЛИМҚУЛОВИЧ

**БЎЛМАЧАЛАР ФИБРИЛЛЯЦИЯСИ ПАРОКСИЗМАЛ ШАКЛИ БОР
БЕМОРЛАРДА МИОКАРД РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИНИ КЛИНИК ВА
ГЕМОДИНАМИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2418 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ташкенбаева Элеонора Негматовна**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зокиров Нодир Узевич**
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Авезов Давлат Курбанбаевич
Тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ тарқатилди.

2025 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...сўнгги йигирма йил ичида юрак ишемик касаллиги бутун дунёда ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. 2000 йилдан бери юрак-қон томир касалликларидан ўлим ҳолатлари 2 миллиондан ортиқ кишига кўпайиб, 2019 йилда қарийб 9 миллионга етди. Ҳозирда юрак касалликлари дунёдаги умумий ўлим ҳолатларининг 16% ини ташкил қилади...»¹. Бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) клиник амалиётда энг кенг тарқалган юрак аритмиялардан биридир. Унинг тез-тез учраши ёш ўтиши билан ортади, кўпгина юрак ва айрим ўпка касалликлари, шунингдек, бир қатор метаболик, токсик, эндокрин ёки генетик аномалиялар билан боғлиқ бўлиши мумкин

Жаҳонда миокард инфаркти ва БФси бўлган беморларда юрак-қон томир касалликлари асоратларини олдини олиш ва ўлим хавфини камайтириш чоратадбирлари самарадорлигига эришиш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилди. Генетик тасдиқлашдан фойдаланган ҳолда эрта ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш, касалланиш, ногиронлик ва ўлим даражасини пасайтириш миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморлар учун муҳим аҳамиятга эга. KCNE5 (rs697829) ва KCNJ2 (rs104894584) генлари полиморфизмини баҳолаш асосида юрак-қон томир асоратларини прогноз қилиш, шунингдек, қўлланилаётган патогенетик даволашни шахсийлаштириш ва оптималлаштириш – ушбу соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган кардиологик хизматлари сифатини яхшилаш, ҳудудларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва самарали даволаш ишларини кенгайтириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича кенг чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси» аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган. Шу муносабат билан юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, даволашни оптималлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун инновацион технологиялар жорий этиш, бунинг натижасида юрак-қон томир касалликларидан ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармонлар, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти. <https://www.who.int/ru/news/item/09-12-2020-who-reveals-leading-causes-of-death-and-disability-worldwide-2000-2019> 9 декабрь 2020 йил янгиланган.

кўшимча чора-тадбирлар», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.²

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика VI «Тиббиёт ва фармакология» – фан ва технологияларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда ўтказилган кенг кўламли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу касалликка чалинган беморлар сони ҳар 20 йилда икки баравар кўпаймоқда ва 2050 йилга келиб у биргина Американинг ўзида 12 миллиондан ортиқ одамга таъсир қилиши кутилмоқда. БФС билан боғлиқ ўлим ҳолатлари ҳам сезиларли даражада ошиб, 2019 йилда 320 мингга (95% ишонч оралиғи: 270–360 минг) етган, бу эса 1990 йилга нисбатан 169,4% га юқоридир.

Россиянинг популяция танламасида (Новосибирск) 45-69 ёш оралиғида 13 йиллик кузатув давомида БФнинг учраши 1,6% дан 8,3% гача ошган. Янги БФнинг 473 та ҳолати аниқланган бўлиб, улардан тахминан 40% пароксизмал шаклга тўғри келган. Сибир популяция танламасидаги 45-60 ёш гуруҳи учун БФнинг тарқалиш кўрсаткичлари йирик Россия ва Шимолий Америка тадқиқотлари маълумотлари билан мос келади. 60-74 ёшдаги шахслар орасида БФнинг тарқалиши аввал эълон қилинган популяция маълумотларга нисбатан юқори бўлса, ёши каттароқ эркаклар ва аёллар орасида эса ушбу кўрсаткич пастроқ эканлиги қайд этилган (М. Ю. Шапкина, Э. В. Маздорова ва бошқалар, 2022).

Ўзбекистонда бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) бўйича муҳим тадқиқотлар ўтказилди. Академик Р.Д. Қурбонов ҳаммуаллиф олимлар билан бирга пароксизмал ва персистирловчи БФ билан касалланган 203 нафар беморнинг маълумотларини таҳлил қилди. Натижада сурункали юрак етишмовчилиги, анамнезда инсулт, семизлик ва олдинги БФ эпизодлари касалликнинг доимий шаклга ўтиш хавфини ошириши аниқланди (Қурбонов, 2017). Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган генетик тадқиқот ўзбек аҳолисида rs2200733 полиморфизмининг БФ билан боғлиқлигини кўрсатди (Қурбонов Р.Д., Абдуллаева Г.Ж., Ғаниев Т.З., Абдуллаев А.А., Зокиров Н.У., 2020). IX Евроосиё кардиологлар конгресси (2021) доирасидаги симпозиумда БФни даволашнинг замонавий усуллари, жумладан, интервенцион усуллар ва ритмни эрта назорат қилиш масалалари муҳокама этилди. Бу маълумотлар ўзбекистонлик мутахассисларнинг кардиология фани ривожига қўшаётган ҳиссасини тасдиқлайди. Юқорида келтирилган барча маълумотлар шуни кўрсатадики, миокард инфаркти фонида кечувчи бўлмачалар фибрилляцияси беморларнинг касалланиши, ҳаёт сифати ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

прогнозига жиддий таъсир кўрсатадиган энг муҳим юрак патологияларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг долзарблиги бўлмачалар фибрилляциясини эрта аниқлаш, самарали даволаш ва қайталанишининг олдини олишга қаратилган ёндашувларни такомиллаштириш бўйича илмий изланишларни давом эттириш зарурлигини белгилайди. Бу эса мазкур йўналишни замонавий клиник тиббиётнинг устувор соҳаларидан бирига айлантиради.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали илмий-тадқиқот ишлари доирасида ва амалий грант ПЗ-20170927280 «Беқарор стенокардияни молекуляр-генетик усуллар ёрдамида прогноз қилиш ва уларни даволашда шахсий ёндашувни ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўткир миокард инфаркти (ЎМИ) фонида ривожланадиган бўлмачалар фибрилляциясида калий ион каналлари генларининг полиморфизмларини инобатга олган ҳолда, салбий кардиоваскуляр ҳодисаларни ташхислашни такомиллаштириш ва даволаш ёндашувларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляциясининг илк марта аниқланган ва пароксизмал шакллари бўлган беморларда миокарднинг клиник-гемодинамик хусусиятларини аниқлаш;

ўткир миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляциясининг илк марта аниқланган ва пароксизмал шакллари бўлган беморларда коронар қон томирлар тизими зарарланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ўткир миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляциясида юрак-қон томир асоратларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган калий ион каналлари генларининг молекуляр-генетик маркерларини аниқлаш;

тери орқали коронар аралашув ва ёки тромболитик терапия қабул қилган, илк марта аниқланган ва пароксизмал шаклли бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда ўткир миокард инфаркти кечишини қиёсий тавсифини аниқлаш;

ўткир миокард инфаркти фонида илк марта аниқланган ва пароксизмал бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда синус ритмининг тиклашда тери орқали коронар аралашув ва тромболитик терапиянинг қиёсий узок муддатли самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиалида госпитализация қилинган 236 нафар миокард инфаркти бўлган беморлар.

Тадқиқотнинг предмети: беморларнинг веноз қони ва зардоби материаллари.

Тадқиқотнинг услублари. диссертацияда клиник, гемодинамик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик каби аналитик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўткир миокард инфаркти фонида илк марта ривожланган бўлмачалар фибрилляциясининг пароксизмал бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларга нисбатан клиник ва гемодинамик юрак қисқариши тезлиги сезиларли даражада юқори, систолик ва диастолик қон босими кўрсаткичлари эса паст эканлиги аниқланган;

Ўткир миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляциясининг шаклланишига ва беморларнинг ҳаёт прогнозига таъсир қилувчи омил сифатида ўнг коронар артериянинг ва коронар артерияларнинг кўп томирли шикастланишининг аҳамияти аниқланган;

илк бор калий каналлари генларининг А аллелини ташувчанлиги илк марта ривожланган бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда сезиларли даражада кўпроқ эканлиги, А аллелининг мавжудлиги юрак-қон томир асоратларининг юқори частотаси билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўткир миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашув ва тромболитик терапияни бир йиллик кузатув давомида бўлмачалар фибрилляциясининг қайталаниши частотасини пасайишига (19.4% га нисбатан 43.7%; $p=0,006$), касалхонадаги ўлимнинг сонини қисқаришига (4,3%га нисбатан 9.3%; $p=0,041$), шунингдек, стационарга такрорий мурожат қилиш заруратининг (24.0% га нисбатан 59.4%; $p=0,008$) камайишига ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ритм бузилиши билан кечувчи ЎМИ беморлари ҳаёт сифатини ва даволанишга мослашишини баҳолаш учун яратилган дастурий маҳсулот шифокорларга касалликнинг дастлабки босқичларидаёқ беморни тўғри бошқаришга, юрак-қон томир асоратларининг ривожланиш хавфини камайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон бериши аниқланган;

гемодинамик тадқиқот натижалари олдинги жойлашувдаги миокард инфаркти билан оғриган беморларда пастки жойлашувдаги миокард инфаркти билан оғриган беморларга қараганда БФСининг қайталаниш хавфи юқорироқ эканлигини кўрсатган;

ЎМИ да илк марта аниқланган ва пароксизмал БФ билан оғриган беморларда эрта инвазив даволаш эрта муддатларида, ўз вақтида ўтказилган тери орқали коронар аралашув (ТОКА) антиаритмик дорилар қўлламасдан синус ритмини эрта тиклашга ёрдам бериши аниқланган, бу эса ушбу тоифадаги беморларда мазкур усулнинг юқори самарадорлиги ва хавфсизлигини тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, замонавий клинко-психометрик, инструментал ҳамда статистик тадқиқотлар, етарли миқдордаги беморлар сони, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан солиштирилиши, шунингдек, тегишли ташкилотлар томонидан хулосалар ва натижаларнинг тасдиқланиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ЎМИ ва бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифати ва даволашга мувофиқлигини аниқлаш учун ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот ушбу беморлар орасида ҳаёт сифати БФСиз ЎМИ бўлган беморларга нисбатан 8,6 баллга паст эканлигини исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ЎМИ ва БФ билан оғриган беморларда ТОКА ни ўз вақтида қўллаш антиаритмик дориларни буюрмасдан синус ритмини эрта тиклашга ёрдам беради, бу ЎМИ билан оғриган беморларда БФ да ТОКА нинг юқори самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлаган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2025 йил 15 январдаги 11 сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқи бўйича №11/17 сонли хулосасига биноан:

биринчи илмий янгилик: ўткир миокард инфаркти фонида илк марта ривожланган бўлмачалар фибрилляциясининг пароксизмал бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларга нисбатан клиник ва гемодинамик юрак қисқариши тезлиги сезиларли даражада юқори, систолик ва диастолик қон босими кўрсаткичлари эса паст эканлиги аниқланган. Ушбу хулосалар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Эксперт кенгашининг 2024 йил 23 мартдаги 50-сон «Ўткир миокард инфарктида бўлмачалар пароксизмал фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини ва даволанишга мойиллигини баҳолаш» ва 2024 йил 23 мартдаги 51-сон «Миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг гемодинамик ҳолатини баҳолаш» услубий тавсияларига киритилди. Мазкур услубий тавсиялар Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг 14.05.2024 йилдаги 2155-7-104-ТБ/2024-сон буйруғига асосан ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалининг 21.05.2024 йилдаги 22-Т-сон буйруғига асосан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: миокард инфарктининг турли шакллари ва коронар томирлар шикастланиши бўлган беморларда коронар артерияларни тери орқали стентлашдан фойдаланган ҳолда даволаш усуллари қўллаш натижасида беморларнинг ҳаёт сифати ва асосий касалликнинг кечиши яхшиланди ҳамда юрак-қон томир асоратлари ривожланиш частотаси камайди. Иқтисодий самарадорлик: миокард инфарктининг турли шакллари ва коронар артериялар зарарланиши бўлган беморларда стентлаш ўтказилгандан сўнг юрак етишмовчилиги функционал синфларининг пасайиши ва стенокардия хуружлари сонининг камайиши кузатилди. Бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, АПФ ингибиторлари ва гиполипидемик дори воситалари каби препаратлар дозасини камайтириш орқали дори-дармонларга кетадиган харажатларни қисқартиришга ҳамда ойига ўртача 790000 сўмни тежашга имкон берди.

иккинчи илмий янгилик: ўткир миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляциясининг шаклланишига ва беморларнинг ҳаёт прогнозига таъсир қилувчи омил сифатида ўнг коронар артериянинг ва коронар артерияларнинг кўп

томирли шикастланишининг аҳамияти аниқланган. Ушбу хулосалар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Эксперт кенгашининг 2024 йил 23 мартдаги 50-сон «Ўткир миокард инфарктида бўлмачалар пароксизмал фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини ва даволанишга мойиллигини баҳолаш» ва 2024 йил 23 мартдаги 51-сон «Миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг гемодинамик ҳолатини баҳолаш» услубий тавсияларига киритилди. Мазкур услубий тавсиялар Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг 14.05.2024 йилдаги 2155-7-104-ТБ/2024-сон буйруғига асосан ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалининг 21.05.2024 йилдаги 22-Т-сон буйруғига асосан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлик: миокард инфарктининг турли шакллари билан оғриган беморларда миокард ревазуляризациясининг (тери орқали коронар аралашув) йиллик натижаларини таҳлил қилиш бўлмачалар фибрилляциясининг такрорий қайталаниши каби салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган кейинги даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берди. Бу эса ўз навбатида беморлар яшовчанлигини яхшилаш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга хизмат қилди. Иқтисодий самарадорлик: миокард ревазуляризациясидан сўнг коронар артериялар шикастланиши бўлган беморларда клиник кўрсаткичларнинг сезиларли яхшиланиши натижасида дори воситаларига сарфланадиган харажатларни ойига 189000 сўмга камайтириш мумкин бўлди.

учинчи илмий янгилик: илк бор калий каналлари генларининг А аллелини ташувчанлиги илк марта ривожланган бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда сезиларли даражада кўпроқ эканлиги, А аллелининг мавжудлиги юрак-қон томир асоратларининг юқори частотаси билан боғлиқлиги аниқланган. Ушбу хулосалар Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Эксперт кенгашининг 2024 йил 23 мартдаги 50-сонли «Ўткир миокард инфарктида бўлмачалар пароксизмал фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифати ва даволанишга мойиллигини баҳолаш» ҳамда 51-сонли «Миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг гемодинамик ҳолатини баҳолаш» услубий тавсияларига киритилган. Мазкур услубий тавсиялар Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 14 майдаги 2155-7-104-ТБ/2024-сонли буйруғига асосан ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 21 майдаги 22-Т-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: миокард инфаркти билан оғриган беморларда юрак ритми бузилиши ривожланишининг ўзига хос хавф омилларини аниқлаш қисқа муддатда инфаркт асоратлари ва БФ қайталанишининг олдини олиш имконини беради. Бу миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини ва турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради. Ушбу ҳолат муаммонинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлайди. Иқтисодий самарадорлик қуйидагилардан иборат: Инсулт ва тромбоемболиялар хавфининг ортиши, гемодинамиканинг ёмонлашуви, юрак етишмовчилигининг зўрайиши, шифохона ичидаги ва узоқ муддатли ўлим кўрсаткичларининг кўпайиши, шунингдек такрорий инфаркт ва касалхонага ётқизиш ҳолатлари сонининг ошиши

билан боғлиқ салбий оқибатлар частотасини камайтиришдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, миокард инфаркти фонида оғир юрак-қон томир асоратлари, жумладан бўлмачалар фибрилляцияси билан асоратланган ўткир миокард инфаркти ривожланишининг олдини олиш орқали харажатларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради

тўртинчи илмий янгилик: илк бор ўткир миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда тери орқали коронар аралашув ва тромболитик терапияни бир йиллик кузатув давомида бўлмачалар фибрилляциясининг қайталаниши частотасини пасайишига (19.4% га нисбатан 43.7%; $p=0,006$), касалхонадаги ўлимнинг сонини қисқаришига (4,3%га нисбатан 9.3%; $p=0,041$), шунингдек, стационарга такрорий мурожат қилиш заруратининг (24.0% га нисбатан 59.4%; $p=0,008$) камайишига ижобий таъсири аниқланган. Ушбу хулосалар Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги Эксперт кенгашининг 2024 йил 23 мартдаги 50-сонли «Ўткир миокард инфарктида бўлмачалар пароксизмал фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифати ва даволанишга мойиллигини баҳолаш» ҳамда 51-сонли «Миокард инфаркти ва бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг гемодинамик ҳолатини баҳолаш» услубий тавсияларига киритилган. Мазкур услубий тавсиялар Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 14 майдаги 2155-7-104-ТБ/2024-сонли буйруғига асосан ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сурхондарё филиалининг 2024 йил 21 майдаги 22-Т-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: коронар артериялар ревазуляризациясини ўтказган миокард инфарктининг турли шакллари билан оғриган беморларда стенокардия кечишига ижобий таъсир кўрсатиши, ҳаёт сифатини яхшилаши ва жисмоний фаолликни ошириши, оғриқ хуружлари давомийлигини камайтириши аниқланган. Иқтисодий самарадорлик: коронар артериялар шикастланиши бўлган беморларда, салбий башорат омилларини ҳисобга олган ҳолда, даволанишнинг самарали усуллари таклиф этилган. Бу терапия самарадорлигини оширишга, кўшимча дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни камайтиришга, касалхонада бўлиш муддатини қисқартиришга ва кўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни пасайтиришга ёрдам беради. Бу эса оптимал даволаш усулини танлашда ҳар бир бемор учун ўртача 3100000 сўмни тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та Республика ва 2 та халқаро конференцияларда маълум қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, 2 таси услубий тавсия ва 7 таси журнал мақолаларидир. Ушбу мақолалардан 1 таси республика илмий журналларида, 6 таси эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр қилиш учун тавсия этилган халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 117 бетни ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметнинг тавсифи, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасининг фан ва янги технологияларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилик ва тадқиқотнинг амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишларга оид маълумотлар ва диссертациянинг тузилмаси келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бўлимида **«Миокард инфаркти билан оғриган беморларда бўлмача фибрилляциясининг ривожланиш механизмлари ҳақидаги замонавий тушунчалар»** мавзусида адабиётлар таҳлили тақдим этилган бўлиб, унда фибрилляция ривожланишининг замонавий тушунчалари, унинг этиопатогенетик омиллари ва даволашнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилган.

Иккинчи бўлимда **«Бўлмачалар фибрилляцияси ва миокард инфаркти билан оғриган беморларнинг клиник-гемодинамик тавсифи ва ишлатилган методлар методологияси»** келтирилган бўлиб, беморларнинг умумий тавсифи, клиник, лаборатор, гемодинамик ва функционал тадқиқот усулларининг амалга оширилиш усули батафсил тақдим этилган.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиалида шошилиш кардиохирургия, реанимация ва интенсив терапия бўлимларида 2021-2023 йиллар давомида жами 1110 та бемор ўКС ҳамда ўткир миокард инфаркти билан қабул қилинган, шулардан 124 (11,2%) нафар беморда бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) кузатилган. Ушбу беморлардан 61 (49,8%) нафарида илк бор аниқланган бўлмачалар фибрилляцияси кузатилди ва 63 (50,2%) нафарида эса пароксизмал шаклидаги бўлмачалар фибрилляцияси учради. БФнинг турли шакллари, айниқса, илк бор аниқланган ва пароксизмал шакллари аниқлаш мақсадида биз томонимиздан ишлаб чиқилган сўровномадан фойдаланилди. Ушбу сўровнома ESC (2020) ва АНА/ACC/HRS (2023) нинг энг сўнгги тавсиялари ҳамда клиник амалиёт асосида тайёрланган. Сўровномага беморнинг касаллик анамнези, Холтер мониторинги, ЭКГ ва ЭхоКГ текширувлари натижалари киритилган.

Тадқиқотга биринчи ангиноз хуружлар ва бир ҳафтагача бўлган миокард инфаркти, бўлмачалар фибрилляциясининг илк марта пайдо бўлган ва пароксизмал шаклида 124 нафар бемор ҳамда бўлмачалар фибрилляциясиз ўткир миокард инфаркти бўлган 112 нафар бемор киритилди. Улар биринчи ангиноз хуружидан кейин бир ҳафтагача ичида касалхонага ётқизилган. Ушбу беморларда клиник, функционал, биокимёвий ва генетик текширувлар ўтказилди. Респондентларнинг ўртача ёши $61,75 \pm 11,37$ йилни ташкил этди.

ЎМИ ва БФ билан оғриган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш учун 1998 йилда Р.А. Либис ва унинг ҳамкорлари томонидан ишлаб чиқилган «Аритмияларга чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш» модификацияланган сўровномасидан фойдаланилди, у 25 та саволдан иборат

бўлиб, ҳар бирига 4 та жавоб варианты берилган. Шунингдек, беморларнинг даволашга бўлган мувофиқлигини аниқлаш учун 1986 йилда Мориски- Грин (Morisky D.E., Green L.W.) томонидан ишлаб чиқилган ўз ичига 7 та савол оладиган модификацияланган универсал тасдиқланган тестдан фойдаланилди.

Генетик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги ГЕНОТЕХНОЛОГИЯ клиникасида 201 беморда таҳлиллар ўтказилди. KCNE5 G/A (rs697829) генининг C(511)T ва KCNJ2 G/A (rs104894584) генининг C(819)T полиморфизмларини аниқлаш 100 беморда, «СНП-экспресс» ПСР методидан фойдаланиб, NP «Liteh» томонидан ишлаб чиқарилган диагностик тўпламлар ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг бевосита натижалари клиник мувоффақиятни баҳолаш орқали таҳлил қилинди. Касалликнинг оғирлик даражаси ва натижаларини модель қилишда, энг кичик квадратлар усули билан модель параметрлари т-критериясига биноан $p < 0,05$ самарадорлик шарти билан баҳоланди. Маълумотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш Microsoft Excel 2010 маълумотлар базасида Statistica 10 дастури ёрдамида амалга оширилди.

Учинчи боб «Хусусий тадқиқот натижалари» 4 та кичик бобдан иборат. **«Турли локализациядаги ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморларда пароксизмал бўлмачалар фибрилляциясининг ривожланишининг предикторлари»** кичик бобида БФСининг ривожланишига асосий предикторлар ҳақида батафсил тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотнинг бошланғич босқичида коморбид ҳолатларнинг учрашиш частотаси таҳлил қилинди. Тадқиқот давомида, энг кўп БФлар артериал гипертензияси бўлган беморларда – 79,8% кузатилди. Камроқ учрайдиган ҳолатлар эса қандли диабет – 38,7% ва зарарли одатлар – 17,7% бўлган БФлари бор беморларда аниқланди.

Тадқиқотимиз натижасида биз илк марта аниқланган БФ 61 (49,2%) беморни ва пароксизмал БФ 63 (50,8%) бор беморни аниқладик. Илк бор аниқланган БФ гуруҳида беморларнинг ўртача ёши 67,3 ёшни ($\pm 8,4$ ёш) ташкил этиб, бу пароксизмал БФ гуруҳидаги 61,7 ёш ($\pm 7,9$ ёш) кўрсаткичидан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори ($p = 0,032$).

Илк бор аниқланган БФ гуруҳидаги 61 беморнинг 36 нафари (59%), пароксизмал БФ гуруҳидаги 63 беморнинг 40 нафари (63%) эркаклар. Илк марта аниқланган БФ гуруҳида ўртача систолик босим ($108,5 \pm 12,7$ мм сим. уст.) пароксизмал БФ гуруҳига ($116,9 \pm 10,3$ мм сим. уст.) нисбатан сезиларли даражада паст эди ($p=0,012$). Бу илк марта бўлмачалар фибрилляцияси аниқланган гуруҳда кўпроқ ифодаланган гипотензия ёки гиповолемия билан боғлиқ бўлиши мумкин. Диастолик босим ҳам илк бор аниқланган БФ гуруҳида ($71,3 \pm 9,4$ мм.сим.уст.) пароксизмал БФ гуруҳига ($75,2 \pm 8,5$ мм.сим.уст.) нисбатан паст бўлди. ($p=0,032$). Бу, шунингдек, илк марта аниқланган БФ гуруҳида қон томир қаршилигининг пастлигини кўрсатиши мумкин. Илк марта аниқланган бўлмачалар фибрилляцияси бўлган гуруҳда юрак уриш тезлиги ($98,7 \pm 15,2$ зарба/дақ) БФСининг пароксизмал шакли бўлган гуруҳга ($91,3 \pm 12,7$ зарба/дақ) нисбатан юқори бўлди ($p=0,046$). Кардиоген шок илк марта аниқланган БФ гуруҳидаги 61 бемордан 6 тасида (9,8%) ва пароксизмал БФ гуруҳидаги 63

бемордан 2 тасида (3,2%) қайд этилган. Фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p = 0,026$), бу илк марта БФ аниқланган гуруҳда кардиоген шок хавфи юқори эканлигини кўрсатади. Сурункали юрак етишмовчилигининг декомпенсацияси илк марта аниқланган БФ гуруҳидаги 61 бемордан 14 тасида (23%) ва пароксизмал БФ гуруҳидаги 63 бемордан 7 тасида (11%) қайд этилган. Ушбу кўрсаткич бўйича фарқ статистик аҳамиятга яқин ($p = 0,09$), бу илк марта БФ аниқланган гуруҳда СЮЕнинг кучайиш хавфи юқорилигини кўрсатиши мумкин.

Илк марта аниқланган бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) гуруҳида чап қоринча отиш фракцияси (ОФ) пасайиши кузатилади. Бу беморларда ОФнинг ўртача кўрсаткичи $48,2 \pm 4,7\%$ ни ташкил этиб, пароксизмал БФ гуруҳидагига нисбатан сезиларли даражада паст ($53,1 \pm 5,3\%$, $p = 0,004$) эканлигини кўрсатди. Илк марта аниқланган БФ гуруҳида ОФнинг пасайиши миокарднинг кучлироқ шикастланиши ва чап қоринча функциясининг ёмонлашувини англатади. Илк марта аниқланган БФ гуруҳида чап бўлмачанинг ўртача ўлчами $45,5 \pm 3,8$ мм бўлиб, пароксизмал БФ гуруҳига қараганда анча юқори ($42,3 \pm 3,4$ мм, $p = 0,013$) эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал


Илк марта аниқланган ва пароксизмал шакли бўлган беморларнинг эхокардиографик маълумотлари

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (ИМАБФ, n=61)	2- гуруҳ (ПБФ, n= 63)	P- Value
ЧБ ҳажми (мл)	$56,5 \pm 6,5$	$51,5 \pm 5,2$	0,014
ЧБ ўлчами (мм)	$45,5 \pm 3,8$	$42,3 \pm 3,4$	0,013
ЧБИХ	$44,3 \pm 6,7$	$40,8 \pm 6,2$	0,021
ЧҚ фракцияси (%)	$48,2 \pm 7,3$	$53,1 \pm 7,9$	0,004
ЧҚ диастолик функцияси (%)	55%	48%	0,032

Иккинчи кичик бобда «**Пароксизмал бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатининг ўзига хос хусусиятлари**» биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот (№ ДГУ 27222 «Бўлмачалар фибрилляцияси пароксизмал тури бўлган беморларнинг ҳаёт сифати ва даволашга мувофиқлигини баҳолаш», 2023 йил 5-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Дастурий Маҳсулотлар Давлат Реестрида рўйхатдан ўтган) ва унинг синов натижалари келтирилган.

Стационар даволанишнинг 7-кунида аниқладикки, 124 та ўМИ ва БФлар билан беморлардан 37 нафар (29,8%) беморнинг ҳаёт сифати қониқарсиз, 35 нафар (28,2%) беморнинг ҳаёт сифати қониқарли, 28 нафар (22,5%) беморнинг ҳаёт сифати яхши ва 24 нафар (19,35%) беморнинг ҳаёт сифати аъло эди. Бунга қараганда, БФ бўлмаган беморларда ҳаёт сифати анча юқори эди, яъни 28 нафар (33,3%) бемор аъло ҳаёт сифатига эга, 30 нафар (35,7%) бемор яхши ҳаёт сифатига эга, 19 нафар (22,6%) бемор қониқарли ҳаёт сифатига эга ва 7 нафар (8,3%) бемор ўз ҳолатини қониқарсиз деб баҳоланган. БФ ва ўМИ билан

оғриган беморларнинг даволанишга бўлган лаёқатлилигини аниқлаш учун биз модификация қилинган Мориски-Греэн сўровномасидан фойдаландик.



1-расм. Мориски-Греэн сўровномасига кўра, БФ ва ЎМИ билан оғриган беморларнинг даволанишга бўлган лаёқатлилигини аниқлаш

Ушбу тадқиқот давомида биз ЎМИ ва БФ билан беморларда даволанишга бўлган лаёқатлилиқ БФ сиз ЎМИ бўлган беморларга нисбатан анча паст эканлигини исботладик ($p \leq 0,01$) (Расм 1).

Тадқиқотда антиаритмик воситаларини қабул қилишни ўтказиб юборишнинг аниқ тенденцияси дори воситаси таъсир йўқлиги сабабли – 34,6 % кузатилди, ёки препаратни қабул қилгандан кейин умумий ҳолатнинг ёмонлашиши – 29,1% кузатилди. БФ билан беморлар, шунингдек, дори-дармонларни унутиб қўйишга моил эдилар – 33,8%, шунингдек, дори нархининг юқорилиги сабабли уни сотиб олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли – 21,8%.

Шу тариқа, ЎМИ+БФ билан беморларнинг ҳолати лаёқатлилиги паст деб баҳоланди, ўз навбатида, БФ ЎМИ бўлган беморлар статистик жиҳатдан камроқ лаёқатли бўлишган. Пароксизмал бўлмачалар фибрилляциясининг ривожланиши, шубҳасиз, даволовчи врач томонидан белгиланган дори-дармонларни қабул қилишда лаёқатсизлик ва беморларнинг паст ҳаёт сифати билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Учинчи кичик бобда «**Миокард инфаркти фонида бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларнинг инструментал характеристикалари**» да ЭКГ ва суткалик мониторингда тадқиқот натижалари келтирилган. БФ ва ЎМИ билан оғриган 124 нафар беморнинг 68 нафарида пастки локализацияли ЎМИ, 56 нафарида эса олдинги локализацияли ЎМИ қайд этилган. БФ пароксизмлари пайдо бўлишидан олдин ушбу беморларнинг юрак уриш тезлиги ўртача $68,3 \pm 5,4$ зарба/дақиқани ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, 68 беморнинг 7 тасида (10,3%) БФ хуружлари синус тугунининг дисфункцияси туфайли юзага келган кучли бўлмача брадисистолияси фонида рўй берган. 9 (13,2%) беморда синусли брадикардия аниқланган.

Олд локализацияли ЎМИ бўлган беморларда бўлмачалар фибрилляцияси пароксизмлари нормасистолия фонида кузатилди. Юрак уриш тезлигининг

ўртача кўрсаткичи $76,8 \pm 11,36$ зарба/дақани ташкил этди, бу 1 минутда 84 дан 140 гача бўлган кўрсаткичлар оралиғида бўлиб, пастки локализацияли ЎМИ ва бўлмачалар фибрилляцияси пароксизмлари бўлган беморларникидан анча юқори ($p < 0,0001$) эди. Ушбу гуруҳда, яққол бўлмачалар брадисистолияси 1,78%, синусли брадикардия 2,32%, юрак ритми ҳайдовчиси миграцияси 1,7%, синоатрекуляр блокада 3,6%, идеовентрикуляр ритм 1.2% ни ташкил этди.

Суткалик Холтер мониторинги шуни кўрсатдики, МИ нинг олд локализациясига эга бўлган беморларда изолятсияланган қоринчали ва бўлмача экстрасистолалар, шунингдек, бўлмача фибрилляция пароксизмлари ишончли равишда кўпроқ учради. Бундан ташқари, ушбу гуруҳда юрак қисқаришларининг максимал частотаси $123,5 \pm 26,7$ ни ташкил этди, ҳолбуки, миокард инфарктининг пастки локализацияси бўлган беморларда бу кўрсаткич $116,4 \pm 23,2$ бўлди.

ИМАБФ беморларда ЧБ ҳажми ўртача $56,5 \pm 6,5$ млни ташкил этди, ПБФ беморларда эса бу кўрсаткич — $51,5 \pm 5,2$ мл бўлди. БФ сиз ЎМИ беморларда эса ЧБ ҳажми сезиларли даражада пастроқ ($45,2 \pm 11,5$ мл) эди. Илк марта пайдо бўлган БФ+ЎМИ эга беморлар ЧБ ҳажмининг ошиши гемодинамик юкламалар фонида ўткир тузилма ремоделлашувини кўрсатиши мумкин.

2-жадвал

Ўткир миокард инфарктининг бўлмачалар фибрилляциянинг пайдо бўлиш таснифига қараб чап бўлмача ҳажми ва ўлчами таҳлили

Кўрсаткичлар	Илк марта пайдо бўлган БФ+ЎМИ (n=61)	Пароксизмал БФ+ЎМИ, (n=63)	БФ сиз ЎМИ, (n=112)	P-value
ЧБ ўлчами (мм)	$45,5 \pm 3,8$	$42,3 \pm 3,4$	$36,4 \pm 4,4$	0,013
ЧБ ҳажми (мл)	$56,5 \pm 6,5$	$51,5 \pm 5,2$	$45,2 \pm 11,5$	0,014
ЧБ индексланган ҳажми (мл/м ²)	$44,3 \pm 6,7$	$40,8 \pm 6,2$	$34,5 \pm 5,5$	<0,001

ЎМИ фонида илк бор аниқланган БФ беморларда, ЎМИ фонида БФнинг пароксизмал шакли кузатилган беморларга қараганда, ЧБ ўлчамлари ва ҳажми сезиларли даражада катта бўлган. Бу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эди (мос равишда $p = 0,014$ ва $p = 0,013$) (жадвал 2).

Кўриниб турибдики, биринчи гуруҳда (илк бор аниқланган бўлмачалар фибрилляцияси ва ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморлар) ва иккинчи гуруҳда (пароксизмал БФ ва ЎМИ билан оғриган беморлар) чап бўлмача ҳажм индекси (ЧБИХ) ошган, бу эса чап бўлмачанинг кенгайганлигини кўрсатади. Бунда биринчи гуруҳдаги беморларда ЧБИХ қийматлари иккинчи гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган.

Илк бор аниқланган БФ билан оғриган беморларда ЧБИХнинг ошиши, аввало, ЎМИ фонида чап қоринча диастолик дисфункциясининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Диастолик функциянинг бузилиши ЧҚда тўлиш босимининг ошишига олиб келади, бу эса чап бўлмачага гемодинамик юкламани кўпайтиради (Жадвал 3).

3-жадвал

Миокард инфарктининг турли локализацияси ва бўлмача фибрилляцияга эга беморларда чап қоринчанинг кўрсаткичларини ЭхоКГ бўйича таққослаш

Кўрсаткич	Пастки ЎМИ+БФ, (n= 68)	Олд ЎМИ+БФ, (n=56)	БФ сиз +ЎМИ, (n=112)	P-value
ОФ, %	51,7±8,2	50,6±6,9	53,2±11,4	0,760
ЧҚ ОДЎ, мм	48,9±9,78	51,1±10,22	47,4±9,48	0,240
ЧҚ ОСЎ, мм	34,8±6,96	36,9± 6,78	33,6±7,43	0,036
ЧҚОДҚ, мм	11,7±2,34	11,8±2,31	11,2±2,24	0,080
ҚАТ, мм	11,6±2,22	11,7±2,22	11,1±2,21	0,047

Тўртинчи кичик бобда «Миокард инфарктининг турли локализацияларида ва бўлмачалар фибрилляцияси билан бўлган беморларда коронар оқим ҳолатини баҳолаш» бўлимида олд ва пастки локализациядаги ЎМИ бўлган беморларда БФ си мавжудлигига қараб коронар артериялар шикастланиш даражаси баҳоланди. ЎМИ+БФ бўлган беморларда битта коронар артериянинг (КА) шикастланиши 43 (34,7%) беморда, иккита КА шикастланиши 48 (38,7%) беморда, уч ва ундан ортиқ КА зарарланиши эса 33 (26,6%) беморда аниқланган. БФ бўлмаган ЎМИ беморларида эса битта КА шикастланиши ишончли равишда кўпроқ учраб, 51,7% (n=58) ни ташкил қилган. Иккита КА ва уч ва ундан ортиқ КА шикастланиши мос равишда 32,1% (n=36) ва 16,2% (n=18) беморларда кузатилган.

ЎМИ олд ва пастки деворидаги локализацияси + БФ бўлган беморлар орасида шикастланган артериялар сони солиштирилганда, пастки девор ЎМИ бўлган беморларда уч ва ундан ортиқ КА шикастланиши ишончли равишда кўпроқ учраши аниқланган.

4-жадвал

ЎМИ ва БФ билан оғриган беморларда шикастланган коронар артерияларни жойлашуви

Жойлашув	Пастки девор ЎМИ +БФ,(n= 68)	Олд девор ЎМИ + БФ,, (n=56)	БФсиз ЎМИ, (n=112)	P-value
ОлдҚаА	37 (54,4%)	53 (94,6%)	57 (51,7%)	0,001
ЎКА	60 (88,2%)	22 (39,3%)	27 (24,1%)	0,001
АА	18 (26,4%)	9 (16,0%)	16 (14,2%)	0,850
ДШ	7 (10,3%)	11 (19,6%)	14 (12,5%)	0,370
ЎЕДШ	6 (8,8%)	6 (10,7%)	8 (7,1%)	0,160
ОрқаҚаА	11 (16,2%)	4 (7,1%)	7 (6,25%)	0,670

Коронар артериялар шикастланиши бўйича учта гуруҳда ҳам энг кўп шикастланган артерия олд қоринчалараро артерияси (ОлдҚаА) бўлди, ундан кейин ўнг коронар артерия (ЎКА), айланиб ўтувчи артерия (АА), диагональ шох (ДШ), ва ўтмас ён девор шохи (ЎЙДШ), орқа қоринчалараро артерия (ОрқаҚаА), кузатилган. Уч гуруҳда коронар артериялар шикастланиши частоталари 4-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, олд девор ЎМИ+БФ бўлган беморлар орасида ОлдҚаА зарарланиши ишончли равишда кўпроқ учради (94,6%).

Бизнинг маълумотларимиз умумий ҳолда бошқа тадқиқотлар натижаларига мос келади ва ЎМИ локализацияси ҳамда маълум коронар артериялар зарарланиши, айниқса ОлдҚаА, АА ва ЎКА билан боғлиқлигини тасдиқлайди. Бошқа артерияларнинг зарарланишида статистик жиҳатдан сезиларли фарқнинг йўқлиги, уларнинг ЎМИ ривожланишига камроқ таъсир қилишига боғлиқ бўлиши мумкин.

Тўртинчи боб: **«Миокард инфаркти билан касалланган беморларда бўлмачалар фибрилляцияси ривожланишининг молекуляр-генетик маркерларини тадқиқ этиш»** иккита кичик бобдан иборат. Биринчи кичик боби: **«Миокард инфаркти билан касалланган беморларда бўлмачалар фибрилляциясининг учрашида KCNE5 G/A (rs697829) генлари полиморфизмининг аҳамияти»** Бу бўлимда KCNE5 G/A (rs697829) генининг А аллелининг учраш частотаси тасвирланган. Беморлар уч гуруҳга ажратилди: ЎМИ+БФ (n=67), БФ сиз ЎМИ (n=69) ва назорат гуруҳи (n=65). Генотиплаш натижаларига кўра, А аллелининг частотаси ЎМИ+БФ гуруҳида (31,3%) БФ бўлмаган ЎМИ гуруҳи (14,5%) ва назорат гуруҳига (16,9%) нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,01$). А аллели ЎМИ фонида БФ ривожланиш хавфини 2,23-2,88 баравар ошириши, G аллели эса ҳимоя омили сифатида намоён бўлиши кузатилди ($OR \approx 0,36-0,45$).

Шунингдек, зарарланган коронар артериялар сонига қараб генотипларнинг тақсимланиши таҳлил қилинди. 2 ва 3 та артерияси шикастланган беморларда А аллелининг юқори частотаси унинг коронар шикастланиш даражаси билан боғлиқлигини кўрсатди.

Ушбу натижалар KCNE5 G/A (rs697829) полиморфизми, айниқса А аллели, бўлмачалар фибрилляцияси ва ЎМИ билан боғлиқ коронар патологиянинг ривожланишида муҳим генетик маркер бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Иккинчи кичик боби: **«Миокард инфаркти билан касалланган беморларда бўлмачалар фибрилляциясининг ривожланишида KCNJ2 G/A (rs104894584) гени полиморфизмининг аҳамияти»** номланиб, ушбу бобда ЎМИ+БФ бўлган беморлар ва соғлом шахслар орасида аллел частоталарининг тақсимооти батафсил тасвирланган.

KCNJ2 G/A (rs104894584) гени полиморфизмининг бўлмача фибрилляцияси билан боғлиқлигини аниқлаш мақсадида олиб борилган таҳлиллар натижасида G аллелининг частотаси БФ мавжуд ЎМИ беморларида 70,2% ни, БФ йўқ ЎМИ беморларида эса 86,9% ни ташкил этиб, ушбу фарқ статистик жиҳатдан ишончли деб топилди, бу эса G аллели бўлмача фибрилляцияси ривожланишидан ҳимоя қилувчи омил бўлиши мумкинлигини кўрсатади. А аллелининг частотаси эса БФ

